*Талабалик— олтин давр*

# БЕЗАМОҚ ЧОҒИДИР УМР ДАФТАРИН...

***Талабалик даври! Уни олтинга қиёслайдилар. Ҳақиқатан ҳам ёшликнинг беғубор, чексиз орзулар қанотида парвоз қилувчи даври бу.***

***— Бугунги талаба ҳақида нима дея оласиз?***

**Ҳ. П. ТЎХТАЕВ, Тошкент Давлат университетининг тарбиявий ишлар бўйича проректори:**

— Юртимизнинг келажаги бугунги талабанинг нечоғлик пухта билим олишига боғлиқ. Ҳозир барча ўқув юртларида жаҳондаги энг сўнгги илмий янгиликлар асосида дарсликлар яратилмоқда. Ҳозирги талаба кўпроқ газета, журналлардан мустақил ўқиб-ўрганишига тўғри келади. Негаки, ўқув дастуридаги баъзи дарсликлар етарли билим бера олмайди. Бундан ташқари, ҳар қандай соҳа бўйича ўқиётган талаба албатта камида битта чет тилини билиши, компьютер билан ишлашни ўрганиши зарур. Бу —давр талаби.

***— Талабалар ўқишдан бўш пайтларида шуғулланиши учун қандай тўгараклар ташкил этилган?***

**М. ТЕШАБОЕВА, Тошкент Давлат университети маданият саройининг бадиий раҳбари:**

— Маданият уйи қошида очилган 15 та тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Булар бичиш-тикиш, ўзбек ва рус театр студиялари, замонавий ва мумтоз рақс дасталари, тил ўрганиш курслари ва ҳоказолардир. Билдасизми, ҳозир бу тўгаракларнинг деярли барчаси «ярим кувват билан» ишлаяпти. Талабаларда бироз лоқайдлик бордек, назаримда. Лекин ҳамма нарсани иқтисодий шароитга боғлайвериш тўғри эмас. Билимни пухта эгаллаган одамгина истаган мақсадига эришади. Инглиз тилини бошловчилар, сўзлашув тили ва мукаммал ўрганувчилар учун бир нечта гуруҳлар ишлаб турибди.

Уларга хорижлик мутахассисларни жалб этганмиз.

***— Талабалар ҳаётида Ёшлар Иттифоқининг ўрни қандай?***

**Х.ЖУМАНОВ, Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультети 5-курс талабаси:**

— Ёшлар Иттифоқи — талабаларнинг дунёқараши, руҳий, маънавий эҳтиёжларига жавоб бера олиши керак. Менимча, ҳозир шундай талабалар даражасида фаолиятни кўрмаяпмиз. Тўғри, уларда ижодкорлик бор. Аммо фақатгина маданият саройидаги тадбирларда, саҳнада «Шоввозлар» театр-студиясининг аъзолари сифатида кўрамиз уларни. Бизнингча, Ёшлар Иттифоқи талабалар ўртасида илм-фан, миллий қадриятлар ва шунга ўхшаш турли-туман муносабатларни кучайтириш мақсадида қизиқарли танловлар ўтказса, яъни фақатгина санъатда эмас, ёшлар ҳаётининг барча жабҳаларида улар билан елкадош, маслаҳатгўй бўлса...

***... Талабалар гурунгида юқоридаги каби кўплаб муаммоларни эшитиш мумкин. Аммо, уларнинг кўпини ёшликнинг қайноқ шижоати, истак ва интилиш билан ҳал этса бўлади. Атоқли шоир Ғафур Ғулом айтганидек талабалик—«Безамоқ чоғидир умр дафтарин!».***

Абдурашид ЁДГОРОВ.

*Сиз бунга нима дейсиз?*

# МАЪНАВИЯТИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

Юртимиз, айниқса, пойтахтимиз Тошкент кундан-кунга чирой очмоқда. Шарқнинг олтин дарвозаси ҳисобланмиш азим шаҳримизда кўпқаватли замонавий бинолар, обод шарқона бозорлар қурилаётганлиги, сўлим хиёбонлар, мўъжизавий фавворалар барпо этилаётганлиги аввало, юртимизнинг тинчлиги, қолаверса, изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг шарофати туфайлидир. Икки минг йилдан узоқроқ тарихга эга бўлган, кўҳна ва навқирон пойтахтимизнинг жамоли атиги сўнгги бир неча йил ичида кўзни яшнатар даражада ўзгарди. Буларнинг бариси биз, ёшларда келажакка катта ишонч уйғотиб, Ватанни доимо севиб-ардоқлашга ундайди.

Тақдир ҳукмига кўра хорижда истиқомат қилаётган миллатдошларимиз ҳам истиқлол туфайли ўз она-Ватанларига қайтиб, тупроғини кўзга суртиш бахтига эришдилар. «Ғурбатда ғариб» бўлиб, ҳар қанча тўкинликда яшасаларда, аммо «Ватандан яхши ёр ўлмас»лигини уларнинг бариси ҳам кўз ёшлари билан таъкидлайдилар. Буюк келажак сари дадил одим ташлаётган Ватанда яшаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Буюк Ипак йўли устида жойлашганлиги учун Тошкент қадимдан қизғин савдо ва маданият марказларидан бири бўлган. Бугунги кунга келиб, яна Эрону-Турк, Ҳиндистон ва Германиядан мол ортган савдо карвонлари шаҳримизга кириб келаётганлиги, халқаро аэропортдан ҳар куни ўнлаб хорижий мамлакатларга «пўлат қуш»лар парвоз этаётганлиги яна ўша шон-шуҳрат тикланаётганлигидан далолат. Ҳозир бозорларимиз хилма-хил тижорат моллари билан лиқ тўла. Бу — яхши. Эрта-индин ўз корхоналаримизда чиқариладиган, рақобатга бардошли маҳсулотларнинг кўпайишига ҳам ишонамиз. Мисол учун, биз меҳнат қилаётган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўнлаб хилдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, уларга талаб юқори бўлмоқда. Афсуски, бизни ташвишга солаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири — тижоратчиларимиз ҳар доим ҳам ўзбекона ахлоқ-одоб меъёрлари, қадриятларимизни ҳисобга олмаётганликларидир. Ҳозир хорижда ишлаб чиқарилган сигаретлар, турли ширинлик ва сақичлар билан деярли ҳар бир муюлиш, бурчакда — савдо қилинаётганлигини кўриш мумкин. Реклама мақсадида баъзи сақич қутилари, елим халталарга аллақандай бемаъни, беҳаё суратлар туширилганки, бугунга келиб ҳаммаёқни бемаза қовуннинг уруғидек босиб кетди. Савдо қилаётган «дўст»ларимиз эса, уларни намойишкорона ейиб, кўз-кўз қилишдан уялмаяптилар. Ўйланиб қоласан киши, буларнинг ота-оналари қандай одамлар экан? Мана шу қути, елим халталарга уларнинг кўзлари тушмаганмикан? Наҳотки улар фарзандларига «Ўғлим, бундай беҳаё суратлар урф-одатларимизга тўғри келмайди», — деб бир оғиз айтмасалар? «Беъманининг бир қилиғи ортиқ» дейилганидек, ҳар бир сақичнинг ичида елимли сурати бўларкан. Ташвишли томони шундаки, сақичларни асосан болалар, мактаб ўқувчилари ва ўсмирлар олишади. Бекатларда, транспорт воситалари, метронинг вагонларида, дўконларнинг ойналари дейсизми, ҳаммаёққа ўта бўлмағур суратлар ёпиштириб ташланяпти.

Савдогарлик — суннат, савобли иш. Аммо юқоридаги бирадарларимиз урф-одатларимиз, маънавиятимизни менсимай қилаётган «суннат»лари билан савоб ўрнига қарғиш олишлари ҳеч гап эмас. «Касални даволашдан кўра олдини олган маъқул», деган ҳикматни эслаб, шу мулоҳазаларимни «Оқшом»га йўлладим. Бунга сиз нима дейсиз, азизлар?

Фарҳод ҚОДИРОВ,
*Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.*

***Суҳбатдошимиз Юнус Абдураҳмонов, Ҳамза тумани Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби, ёши — 25 да. Яқинда БМТнинг 50 йиллигига бағишланиб АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган «Ёшларнинг ҳуқуқ ва вазифалари» шиори остида ўтказилган Бутунжаҳон ёшлар форумининг қатнашчиси.***

*Мустақиллик мевалари*

# АМЕРИКАДАГИ АНЖУМАН ТААССУРОТЛАРИ

**— Юнусжон, юксак халқаро анжуманда юртимиз ёшлари номидан вакил бўлиб қатнашганлигингиз билан табриклаймиз!**

— Раҳмат! Жаҳондаги 110 та давлатда фаолият кўрсатаётган турли-туман йўналишдаги ёшлар ташкилотлари қатнашган халқаро анжуманда бизнинг ҳам иштирок этишимиз бутун республикамиз Ёшлар Иттифоқининг ҳам ютуғи деб ҳисоблайман. Ташкилотимиз фаолиятига бутун жаҳонда қизиқувчилар бисёр экан. Жуда кўплаб дўстлар орттирганлигимиз, ўзаро ҳамкорлик ва алоқалар қилиш ҳақида битишувлар тузилганлиги бунинг исботидир.

**— Сафар таассуротлари ҳақида гапириб берсангиз...**

— «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Тошкент — Амстердам — Нью-Йорк» йўналишидаги замонавий А-310 аэробуси 14 соат ҳавода учиб, ниҳоят азим Нью-Йорк шаҳрининг Кеннеди аэропортига қўнди. Америка заминига қадам қўяётиб бироз ҳаяжонландик ҳам. Тезроқ БМТнинг осмонўпар биносини, унинг ёнидаги юзлаб байроқлар ичида мағрур ҳилпираётган мустақил Ўзбекистон яловини кўришга ошиқардик.

**— Сизларни қандай кутиб олишди?**

— Ҳафтасига бир марта Нью-Йоркка учувчи самолётимиз жадвали форумнинг очилиши кунига тўғри келмагач, бироз олдинроқ боришга тўғри келди. Аэропортдан чиқиб, автобусга ўтирдик-да, тўппа-тўғри БМТ биноси жойлашган Манхэттен туманига йўл олдик.

**— Ҳар ҳолда биринчи марта Нью-Йоркка боришингиз. Йўл бошловчингиз бўлганмиди?**

— Йўқ. Кўчадаги полициячилардан сўраб йўлни билиб олдик. Албатта, инглиз тилини билишим ҳамма жойда қўл келди. Бизни махсус ажратилган меҳмонхонада жуда илиқ кутиб олишди. Кейинги кунлардан танишувлар, семинар ва турли йиғилишларни бошлаб юбордик.

**— Жаҳон мамлакатларининг ёшлар ташкилотлари ва бизнинг Ёшлар Иттифоқимиз ўртасида қандай ўхшашлик ва тафовутлар бор?**

— Форумда қатнашган 110 та давлатда иш олиб бораётган ёшлар уюшмалари ниҳоятда хилма-хил йўналиш ва кўринишларга эга. Масалан, экология, ишчи ёшлар, талабалар, қишлоқ аёллари уюшмаси, саноат, спорт ва ҳоказо тармоқлардаги ёшларни бирлаштирувчи, маълум манфаатларни ҳимоя қилувчи ташкилотлар бор экан. Баъзи давлатларда эса турли йўналишдаги ёшлар билан ишловчи бир нечта ташкилотлар бор. Уларнинг иш услублари, анъаналари бизникидан бутунлай фарқ қилади. «Юрган — дарё» деганлари шуда, жуда кўплаб хорижлик тенгдош, касбдошларимиз билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашдик. Лекин шуни алоҳида таъкидлашим керакки, республикамиз Ёшлар Иттифоқининг фаолияти кўпчиликка манзур бўлди. Айниқса, унинг турли соҳадаги ёшларни бирлаштириши, умумий анъаналар ва қадриятларимизнинг кенг тарғиб этилиши катта таассурот уйғотди.

**— Бутунжаҳон ёшлар форумининг ташкилий савияси ҳақида фикрингиз қандай?**

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти умумий жамоат жойи бўлганлиги учун, ҳаммага имкон қадар қулай, тушунарли бўлиши мақсадида маъруза ва баҳслар инглиз, француз ва испан тилларида олиб борилди. Бошқа ташкилий ишларга ҳам фақатгина халқаро талаблар даражасида деб баҳо бериш мумкин.

**— Форумда қандай масалалар муҳокама қилинди?**

— Асосий эътибор — ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқаларни кучайтиришга қаратилди. Албатта, дунёда ёшлар ҳаёти билан боғлиқ муаммолар жуда кўп, аммо энг аввало бир-бирини танимай, ўзаро алоқаларни йўлга қўймай туриб уларни ҳал этиш мушкул.

**— Анжумандан чиқарган асосий хулосангиз қандай?**

— Тил ўрганиш керак! Мана шу — асосий хулоса. Ёшларимизнинг билим ва тажрибалари кам эмас. Фақатгина бирорта чет тилини мукаммал билишса, нур устига аъло нур бўларди. Шу ўринда мен форумда қатнашган ягона ҳамкорим — Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилояти қўмитасининг биринчи котиби Алишержон Ҳидировга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқниман. Чунки, Алишержон билими, маданияти ва иқтидори билан барчада илиқ таассурот қолдириб, бутун юртимиз ёшлари номидан муносиб вакил бўлди, деб ҳисоблайман.

**— Форумда танишган дўстларингиз билан алоқаларингиз давом этяптими?**

— Ҳа. Яқинда Россия Ёшлар иши бўйича давлат қўмитасидан хат олдик. Улар ўз фаолиятлари ҳақидаги батафсил маълумот ва ҳужжатларни бизга йўллашиб, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қилиш истагини билдирганлар.

**— Ҳозирги шароитда Америкага бориб, қайтишнинг харажатлари...**

— Ҳомийларимиз — Ҳамза тумани ҳокимлиги, «Шарқ» инновация фирмаси ва Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси хайрли режаларимизни рўёбга чиқаришда ҳар қанча ёрдамларини аямайдилар. Узоқ Америка сафари ҳам уларнинг мадади билан бекаму кўст ўтди. Уларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ
суҳбатлашди.



*«Оникс» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган биллур идишларнинг довруғи бутун оламга кетган. Бу муваффақиятлар ортида корхона жамоаси фаолиятидаги мавжуд хайрли анъаналар, чунончи, тажрибали ишчиларнинг ўз маҳоратини, касб сирларини ёшларга сидқидилдан ўргатишлари муҳим ўрин тутади.*

*СУРАТДА: биллур пардозловчи Хуршида Расулова юқори касб маҳорати билан корхонада обрў қозониб келаётган ёшлар сирасига киради. Унинг қўлида сайқал топган биллурлар ўзининг сержилолиги билан алоҳида ажралиб туради.*

*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!*

# ПОЙТАХТ ЁШЛАРИ



*«Талабалик — олтин даврим» деб бежиз айтишмайди. Зеро, бугунги талабалар эртанги кунимизнинг етук муҳандислари, олимлари, файласуфлари, шоиру ёзувчиларидир. Гапни мухтасар қилиб айтганда, буюк келажагимизнинг бунёдкорлари ҳам бугунги ёшлардир.*

*СУРАТДА: 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультети талабалари (чапдан ўнгга) Хосият Енаева, Чиноза Тарашова, Валентина Абрамова, Малика Саидбоевалар мазкур олий ўқув юртининг энг аъло ҳулқли, билимга чанқоқ талабаларидандир.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

***«Баҳор», «Тановар», «Шодлиг»у, «Лазги»дан тортиб, яккахон рақкосаларгача барча-барча гулгун чеҳра, майин табассум, нозик хатти-ҳаракатли малакларнинг маскани пойтахтдаги хореография билим юрти ҳисобланади. Остона ҳатлаб ичкарига кирар эканмиз, назокат оламига меҳмон бўлгандек ҳис этдик ўзимизни. Санъатнинг ўша сеҳрли куйлари қалбимизга эзгулик, меҳр, хушкайфият бахшида этди.***

*Санъат сеҳри*

# САҲНА ОҚҚУШЛАРИ

Кираверишда катта зал. Пианинода ёқимли куй таралаяпти. Оҳиста залга кирдик. Ҳайҳотдек хонанинг бир чеккасида пианино, ойнаванд деворга суянган кўйи муаллим ўқувчи қизларнинг балет рақсларини кузатаяпти. Машқ кийимидаги хушбичим қизлар жозибали ҳаракатлари билан дарров ўзларига ром этди-қўйди. Куй ниҳоясига етди. Рақкоса таъзим қилиб, ортга энди қайтаётганда, устози:

— Йўқ, йўқ, бундай эмас, сен балет рақкосасисан. Куй тин олганида, томошабин балетни, санъатни олқишлаши керак, сен эса мана бу ҳолатда турмоғинг даркор...

Йўлкага чиқар эканман, рўпарамдан ўзига ярашган оппоқ кийимда ширингина қизалоқ югуриб келиб, йўқ, йўқ, бамисоли оққушчадек учиб келиб, чиройли таъзим билан салом бериб ўтди. Бунақасини сира кўрмагандим. Билим юрти директори Исроил Ҳасанов билан бўлган суҳбатимиз томошабин, рақкосу рақкосалар, уларнинг устозлари, рақс ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

— Ўзим шу даргоҳни тамомлаганман, — дейди Исроил Исмоилович. — Бугунги кунда билим юртида Қундуз Миркаримова, Назира Ёқубова, Ашод Георгян, Розия Каримова каби республикамизга машҳур санъат усталари билим маҳоратларини ёшларга ўргатиб, ўзларига муносиб шогирдлар тайёрламоқдалар. Куни кеча республикамиз Президентининг санъат аҳлини моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан чиқарган Фармони халқимизнинг, раҳбариятимизнинг санъатга бўлган чексиз эҳтироми деб билдим. Рақс санъати инсондан фидойиликни талаб этади. Рақсда фаолият юритган киши бежиз 20 йилда нафақага чиқмайди. Берилган 20 йилнинг биринчи 10 йиллигида у ўз имкониятларини намоён қилса, кейинги ўн йилликда у ёшларга мураббийлик қилади.

Билим юртимизга 3-синфдан бошлаб ўқувчиларни махсус ҳайъат кўриги ва имтиҳон билан қабул қиламиз. Кўрик 3 турда бўлади. Асосий эътибор берадиган жиҳатларимиз улар жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланган, бироз озғин, чиройли бўлиши керак. Билим юртига қабул қилинган ўқувчининг биринчи навбатда асосий йўналиши мутахассислиги бўлсада, у ўрта мактаб дастури бўйича ҳам таълим олади. Демак, уларда бошқа мактаб ўқувчиларига нисбатан баробар масъулият кўпаяди.

Билим юртида дарслар икки тилда олиб борилади. Миллий, мумтоз балет рақсларининг ҳар бирини ўзлаштириш учун маълум муддатлар белгиланган. Ҳар йили ҳар бир синфда ўқув амалиёти бўлади. Шундай иқтидорли ўқувчиларимиз борки, улар ҳам мумтоз, миллий, ҳам балет, ҳам ўқув дастурларини пухта ўзлаштирадилар. Лола Раҳматова, Гулнора Иноқова, Барно Кенжаева, Надежда Шилова, Петя, Максим Сагитовлар, Алишер Раҳмонов, Бурда Денисоваларнинг номини фахр билан тилга оламан.

Кўпинча опера, балет керакми, деган баҳсли мунозараларнинг гувоҳи бўламан. Бу балет санъати ҳақидаги тушунчаларимизни белгиламайдимикан?! Ахир санъат билан ҳам дунёга чиқиш мумкин! Балетни дунё билади, у санъатдаги икки халқ дилининг асосий кўприги бўлиб хизмат қилади-ку. Июнь ойида Санкт-Петербургда балет артистларининг халқаро танлови бўлиб ўтди. Дунёнинг ҳамма чеккасидан санъат аҳли ҳозир бўлди. Бизнинг ўқувчимиз Ойниса Азизова ҳам иштирок этиб, нуфузли 3-ўринни олиб, совриндор бўлиб қайтди. Саҳнадаги шоҳ дурдона асарни кўриб, ҳо, балет тушяпти, дея ҳеч қандай завқ олмай зални тарк этган кишиларни ҳам кўрганман.

Нима учун шундай? Бунда кимни айблаш керак? Нега балет саҳналари учун театр залларида ўзбек томошабинларимиз кам? Кўпдан бери мени ўйлантириб келадиган муаммонинг бири бу. Сценарийлар бўш, яхши асар йўқ. Режиссёрлар, актёрлар... дедик. Йўқ, ундай эмас. Бу ерда ҳеч кимни айблаб бўлмайди, оқлаб ҳам. Яхши санъаткор, қўшиқчи, рақкос бўлгани билан уни кўра биладиган, эшита оладиган томошабин бўлмаса, санъаткорнинг нима кераги бор. Демак, томошабин ҳам тайёрлаш керак. 100 та томошабин тайёрлайлик. Шундан 20 таси санъатни тушунсин. Шунинг ўзи катта гап. Томошабинда эса ёшликдан кўникма ҳосил қилиш лозим. Билим юртимиз қатори, Беньков номли рассомчилик билим юрти, Тошкент Давлат консерваторияси, Тошкент Давлат санъат институти талабалари ҳам ўқув амалиёти ўтказадилар. Шулар билан биргаликда жойларга бориб, фаолият юритиш керак. Қадимдан устоз-шогирд анъанаси бор. Устоз умри мобайнида ё 2, ё 3 нафар ўзига ҳақиқий шогирд тайёрлаган. Ҳозир дастлаб, 20—30 нафардан ўртамиёна шогирдлар етказиб беряпмиз. Санъатда бунинг бирор йўлларини топиш зарур.

Маҳлиё МИРСОАТОВА.

# «НУРЛИ АВЛОД» ИШЛАРИ

Ҳозир мактабларимизда ўқувчиларнинг қизиқишларига жавоб бера оладиган болалар ва ўсмирлар уюшмалари ишлаб турибди. Ҳукуматимизнинг «Ёшларга оид давлат сиёсати дастури»дан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган бу уюшма аъзолари сони тезда ўсиб боряпти. Ҳадиси шарифда «Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир» дейилган. Болалар ва ўсмирлар уюшмасининг асосий мақсади ҳам болаларнинг илм олишга бўлган қизиқишларини янада ўстириш, улар орасидаги ёш истеъдодларни топиш ва тарбиялашдан иборатдир. Шу сабабли уюшманинг асосий фаолият даргоҳлари ҳисобланган мактаблар, болалар ва ўсмирлар ижодий марказларида турли тўгарак ва санъат гуруҳлари, кўргазма ва танловлар ташкил этилган. Ҳозир пойтахтимиздаги 313 та мактабнинг ярмидан кўпроғида «Нурли авлод» деб номланган болалар ва ўсмирлар уюшмаси фаол иш олиб бормоқда. Собиқ кашшофлар ташкилотидан фарқли равишда «Нурли авлод» тарихимиз ва миллий қадриятларимизни чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, соғлом авлодни тарбиялашга кўмаклашишни асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Мирзо Улуғбек тумани болалар ва ўсмирлар ижодий марказида олиб борилаётган ишлар ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Бу ерда ташкил этилган тўгарак ва гуруҳларда спорт, санъат ҳамда техника билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган.

Масалан, сув сайёҳлиги тўгараги аъзолари юртимиздаги кўҳна обидаларнинг тарихини ўрганишга ҳам бел боғлаганлар. Ҳозиргача улар Оққўрғон тумани ҳудудидаги тарихий Шоҳруҳия шаҳрида бир неча бор бўлдилар.

Хуллас, «Нурли авлод» — шаҳар болалар ва ўсмирлар уюшмаси мурғак тасаввурларда Ватан, дўстлик ва эзгулик тушунчаларининг чуқур ўрин олиши учун барча тадбирларни амалга оширади. Уюшманинг шиори қилиб «Ватан, дўстлик, эзгулик, адолат учун» деган алангали даъват бежиз қабул қилинмаган. Унга жавобан «Нурли авлод»нинг ҳар бир аъзоси: «Иймон, эътиқод, поклик дилимизда, иззат-одоб ила қўлимиз кўксимизда!» дея жавоб беради.

Илҳомиддин АЛИМОВ.



*Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетига қарашли «Ёшлик» спорт мажмуаси ҳар куни талабалар ва шу атрофдаги маҳалла ёшлари билан гавжум бўлади. Ҳозир «Спорт шаҳарчаси»даги минг ўринли замонавий стадион, 3 та махсус спорт зали ва бошқа иншоотларда 18 хил спорт тури бўйича тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Университет жисмоний тарбия кафедрасининг мудири, спорт устаси, доцент Михаил Жуков ва спорт клубининг раиси, республика тоифасидаги ҳакам Темур Набиевлар бошчилигидаги тажрибали мураббийлар фақатгина жисмоний тарбия машғулотларига эмас, балки олий ўқув даргоҳининг ўз чемпионларини тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берадилар. Ҳар хил спорт турлари бўйича ўқув юртлари, факультетлар, курслар, ётоқхоналар ўртасидаги мусобақалар йил бўйи давом этади. Бундай тадбирларга университет ректорати, талабалар касаба уюшмаси ва Ёшлар Иттифоқи доимо бош-қош. Айни вақтда, олий илм даргоҳида спорт турлари бўйича университет биринчилиги қизғин давом этмоқда.*

*СУРАТДА: мусобақалар пайтида.*



